

Ғанимат кун...

15:40 / 22.04.2017 4449

Муҳаррам ойи ҳақида Ислом.уз саҳифаларида етарли маълумотлар берилди. Мен бу мавзуга қўшимча қилиш ва такрордан йироқ бўлган ҳолда биргина муборак ҳадисни “ичига” қирмоқ истардим. Ваҳоланки бу шарафли ҳадис кўпчиликка аён.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам;

“Ким Ашуро куни аҳли аёлига кенглик яратса, Аллоҳ унга йил бўйи кенглик яратади”.

Табароний ва Байҳақий ривояти.

Мен бу ҳадиси шарифни таниганимдан бери ушбу муборак кунни ҳонадонимда байрам қиламан. Аҳли аёл ва фарзандларимни уй юмушларидан озод этиб, ушбу кун рўзасини тутиб ифторлик учун дастурхон безайман. Фарзандларим ҳуш кўрган таомни ўзим тайёрлайман. Уларга китоблар совға қиламан. Ҳадялар бераман. Аёлим ва онамга чиройли либослар кийдираман. Шунданми улар Муҳаррам ойини, Ашуро кунини интиқиб кутадилар. Бу ҳадиси шариф оилага байрам ҳадя этибгина қолмай, эру хотин орасидаги меҳр муҳаббатни зиёда этади. Ота бола орасини муҳаббатли қилади. Бу йўл фарзанд тарбиясида гўзал кўриниш эмасми?! Айниқса улар онгу шуурида шариятга амал қилиб яшашлик бахт саодат мезони эканлиги тўғрисида тафаккур қилишга чорлайди. Улар қалбида Исломга муҳаббат уйғотади. Азиз биродарим сиз билан биз шундай муборак кун остонасида турибмиз, келинг дунё ташвишларини, ишларини Аллоҳ учун (аслида ўзимиз учун) савоб умидида уша кунни оиламиз учун ажратайлик. Ахир жонингизни ўтга чўққа уриб тирикчилик ғамида юрибсизку, “Ким Ашуро куни аҳли аёлига кенглик яратса, Аллоҳ унга йил бўйи кенглик яратади”, дегани бу дастурхонинг тўкин бўлади, топганингга барака киради, деганидир! Ёки сиз Набий алайҳис саломни муборак ҳадисларига шубҳа қиласизми? Аллоҳ ! Аллоҳ ! Бундан эътиқоддан сақласин. Мен ушбу ҳадисга амал қилиб баракани кўрдим. Дастурхонимда доимий тўкинликни кўрдим. Биласизми, мен сизнинг ҳам ҳонадонингизга ўша Илоҳий бахт кирмаса хотиржам бўла

олмайман. Ушбу ҳадисни ўқиганда Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламни яна бир ҳадислари ёдимга келаверади.

“Аллоҳ қандай дардни берган бўлса албатта, уни шифосини ҳам туширгандир”.

Ушбу ҳадисни эшитган мусулмон тиб уламолари, “Демак ҳар бир дардни шифоси бор эканда”, деб илмий изланишлар қилишиб тиббиёт илмида оламшумул ютуқларга эришган эканлар. Улар биргини ҳадисга амал қилиб миллионлаб инсонларни дардларига даволар топишган,ўлимдан сақлаб қолган. Ҳозирда тиббиёт соҳа вакиллари ушбу ҳадисни кўплари ҳатто эшитмаган бўлиши мумкин. Бу соҳадаги виждонсизликлар ҳам ниятни бузилганидандир балки...

Ашуро кунни рўзасини Пайғамбаримиз интиқ кутган эканлар, бизлар нега у кунни қачонлигини ҳам билмаймиз? Муовия Абу Суфён Мадинага келганларида ҳутба ўқиб; Эй Мадина аҳли уламоларингиз қаерда...? деб панд насихат қилган эканлар. Ушбуларни ўқиб бу омонат вазифа эканлигини тушундим. Демак, аҳли илмларимиз, айниқса имом хатибларимиз бу фазилатли ой ва кунлар ҳақида ўз дини олдидаги бурчларини ҳам унутмасликлари керак деб биламан. Афсус, афсус. Бу мавзуда домлаларимиз томонидан жуда кам гапирилади. Муҳаррам ойи фазилатлари, Ашуро кунни рўзаси Расулимиз алайҳис салом томонларидан ниҳоятда эътиборда бўлинган эканлар нега имом домлаларимизнинг бу мавзуларда суҳбатлари жуда кам? Муҳаррам ойида муборак ой фазилатлари, бу ой ичидаги ашуро кунлари ҳақида суҳбатлар уюштиришни иш режаларига киритса арзийди! Пайғамбаримиз алайҳис саломни масжидга жарчи юбориб Ашуро кунини маълум қилиб жар солдирганларини ўқиб хайратландим. Наҳотки бу чақириқни бизларга алоқаси йўқ? Бундай дегани қўрқасан киши, ахир бу рўзи қиёматгача яшаб ўтадиган уммати Муҳаммадияга тегишли эмасми?! Шунини ўзи аҳли илмларга вазифа, йўлланма эмасми ?!

Рамазон рўзасидан кейинги улуғ рўза Ашуро рўзаси экан, буни оммаи халққа етказиш бу омонат. Ушбу кун рўзасини билмай тутмаганлар, ушбу кун рўза одобларини билмай шу кунлари кўчаларда таомланиб юрганлар ҳисоб кунда кимни ёқасидан ушларкин ? Менимча вазифадор омонатчини.

Аллоҳ ! Аллоҳ ! У кунда кўнгиллари хотиржам тургувчилардан қилсин. Суҳбатимиз сўнгида Муҳаррам ойи дуосини илиндик;

Эй бор Худоё Сен Абадий Қодийм Зотсан. Ҳай (лаънатланган)бўлган
Шайтондан сақлашингни,ёмонликларга бошловчи нафсимизни
ёмонлигидан сақлашингни ва Ўзинга яқин қиладиган амалларга машғул
қилишингни сўрайман. Я Зал жалалу вал икром.

Анжижон шаҳар “Уйғур” жоме

*масжиди мутаваллиси **Фарҳодбек Жўраев***